

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2017 йилнинг январь–сентябрида чакана савдо товар айланмаси 76 358,1 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 104,3 фоизни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 8 477,6 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 11,1 фоизни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг чакана савдо товар айланмаси 14,2 фоизга кўпайиб, 17 686,7 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 23,2 фоизни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмида 50 193,8 млрд. сўм якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобига тўғри келди ва ўсиш суръати 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 фоизга пасайди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши 65,7 фоизга тенг бўлди.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби (2017 йилнинг январь–сентябрь ҳолатига)



2017 йилнинг январь–сентябрда чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.

Давлат мулки 138,0 млрд.сўмни ёки ўтган 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 144,9 фоизни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,2 фоизни ташкил қилди.


Нодавлат мулки 76 220,1 млрд.сўмни ёки ўтган 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 104,2 фоизни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,8 фоизни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмининг энг катта улуши Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 22,3 фоизни ташкил этди, Тошкент вилояти

10,7 фоизни, Фарғона 8,8 фоизни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,8 фоиз, Жиззах вилояти 3,2 фоиз ва Қорақалпоғистон Республикаси 3,3 фоиз улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши

фоиз ҳисобида



2017 йилнинг январь–сентябрида чакана савдо товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади

	Млрд.сўм	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	76 358,1	104,3	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
йирик корхоналар	8 477,6	114,9	11,1
кичик тадбиркорлик	67 880,5	103,1	88,9
шундан уюшмаган савдо товар айланмаси	9 809,1	94,7	12,8

Чакана товар айланмаси

2017 йилнинг январь–сентябрида

(овқатланиш ташиқлотларини қўшган ҳолда)

	<i>Жами</i>		<i>Аҳоли жон бошига</i>	
	<i>млрд.сўм</i>	<i>2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>минг.сўм</i>	<i>2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>

Ўзбекистон Республикаси	76 358,1	104,3	2 362,8	102,5
Қарақалпоғистон Республика	2 538,0	104,5	1 390,0	103,1
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	5 867,0	101,2	1 968,5	99,4
Бухоро	4 757,7	103,5	2 567,3	102,0
Жиззах	2 467,8	100,5	1 883,7	98,6
Қашқадарё	5 341,3	102,0	1 717,5	100,0
Навоий	3 077,0	100,6	3 244,1	99,0
Наманган	4 575,4	102,6	1 713,8	100,8
Самарканд	6 524,6	103,5	1 774,6	101,6
Сурхондарё	5 088,9	102,7	2 050,8	100,6
Сирдарё	1 337,4	103,9	1 655,6	102,3
Тошкент	8 148,0	105,3	2 867,7	104,0
Фарғона	6 728,5	105,7	1 876,8	104,0
Хоразм	2 890,2	107,2	1 618,0	105,5
Тошкент ш.	17 016,3	107,2	6 974,7	105,7